



# Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

Habar@aci.uz

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2003 yil, 9 may № 19 (556)

Sotuvda narxi erkin

## 9 МАЙ - ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КҮНИ

### Хурматли ва азиз меҳнат фахрийлари, қадрли алоқачилар!

Сизларни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарияти, Ҳайъати ва шахсан уз номимдан алоқачиларнинг касб байрами ҳамда республикамизнинг умумхалқ байрами — 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан қизгин ва самимий табриклайман.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги акциядорлик компаниялари, корхона ҳамда ташкилотларда фаолият кўрсатаётган жамоалар сазой-ҳаракати ва ташаббуси тўғрисида тармоқ режасида белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилишига эришилмоқда. Бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳал қилинмоқда. Натижада алоқа иншоотлари қурилишида, республикамиз аҳолиси, меҳмонлари ва халқ хўжалигига хизмат кўрсатишда муҳим ютуқлар қўлга киритилмоқда. Республикамиз телекоммуникация тармоқларининг ҳозирги кун талаблари даражасида ишлаши учун чет эл сармояларини жалб қилишда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизнинг алоқа соҳасидаги эришаётган ютуқ ва муваффақиятларида, кўп қиррали ривожланиши, тармоқларнинг янада такомиллашиб боришида Сизнинг — соҳамизда фидокорона меҳнат қилаётган раҳбар ходимлар, муҳандис-техник мутахассислар ва оммавий касб эгаларининг хизматлари каттадир.

Мен барчангизни ушбу айёмлар билан кутлар эканман, энг аввало Сизларга сичат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-тотувлик ва ишларингизда улкан зафарлар тилайман.

**А.АРИПОВ,**  
Ўзбекистон алоқа ва  
ахборотлаштириш агентлиги  
Бош директори



### АЛОҚАЧИЛАР ҲИССАСИ

Ватанимиз пойтахти — Тошкент сунти бир hafta ичида халқаро миқёсдаги ҳам сибсий, ҳам молиявий, ҳам иқтисодий жиҳатдан жуда катта, нуфузли йилнинг меъбонлиқ қилди. Шундай қилиб, икки кун давом этган Европа Тиклаиши ва Тараққиёт банки (ЕТБ) Бошқарувчилар кенгашининг XII анжумани 5 май куни ўз ишини якунлади. Унда икки мингдан зиёд киши — 59 та давлат делегациялари ҳамда Европа Иттифоқи ва Европа инвестиция банки вакиллари қатнашди.

Меҳмонларнинг эътирофи эътибори билан, ЕТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йилгиши муваффақиятли ва самарали ўтди ва Европа шарҳишлар яратди. Бу йил асосийларнинг ҳам сазмоқли ҳиссаси бор.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "ЕТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йилгишига тайёрларлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" бўйруғи чиқарилиб, йилгишига тайёрларлик кўриши ҳамда уни ўтказишни техникавий ва телекоммуникация воситалари билан таъминлаш бўйича иш жадалли тасдиқланган эди. Ушбу вазифаларнинг қай даражада амалга оширилгани ҳақида "Ўзбектелеком" АК бош директори ўринбосари Р.Ошусов бизга қуйидагиларни маълум қилди:

— Биринчи навбатда асосий тадбирлар ўтказиладиган учта бинода Маълумотлар узатиш ва Интернет тармоғи урналади. Йилгишининг очилиш маросими бўлиб ўтган "Туркисати" саройида 42 та телефон ашарати ташкил қилиниб, шундан 38 таси матбуот марказига берилади. "Интерконтинентал" меҳмонхонаси матбуот марказида ҳам 99 та телефон алоқаси ва Маълумотлар узатиш хизматида фойдаланиш имкониятлари яратилди.

ЕТБ ходимлари учун "COSCUM" ҚҚ сизм карталар ажратиб, алоқа хизмати тизимини таъминлади. Бундан ташқари "Ўзунробита" ҚҚ, "ДЭУ Юнител" ШҚ, "Ўзмаком", "Рубикон", "Бустел" ҚҚлари меҳмонлар учун хизмат қилаётган транспортлар ҳайдовчиларига 240 дан орттиқ ушли телефон ашаратлари ажратилди. "Юнитек" ҚҚ, "ЎЗПАК" Маълумотларни узатиш давлат тармоғи ва "Ўзбектелеком" АК биргаликда жаҳон алоқачиларига мот келадиган Маълумотлар узатиш ва Интернет тармоғини яратиш, сифатли алоқани амалга оширдилар. Журналистларга алоқачи шариот яратиш мақсадида алоқа хизматидаги одунидан пул тулаш картчалари тайёрланди ва йилгиши арафасида тарқатилди.

Хуллас, маъмур анжумани биз алоқачилар учун ҳам катта махсус бўлди. Эндиликда бундай йиллик тадбирларни алоқа даражада алоқа билан таъминлай оламиз. Бунинг учун бизда тажриба ҳам, имконият ҳам етарли.

А.ТУРСУНОВ

### МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Йилдан-йилга республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг кўп қиррали фаолияти янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш борасида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Албатта, бунда фидойий алоқачиларнинг хизматлари беҳисобдир. Шунлар ишбатида олган ҳолда алоқа тизимида сидқидидан меҳнат қилаётган раҳбар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчиларнинг бир гуруҳи Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори бўйруғига кўра алоқачилар касб байрами муносабати билан мукофотландилар. Жумладан, "Бухоро Телеком" филиали, Шофиркон телекоммуникациялар боғламасининг 6-даражали электромонтёри **Ҳомид ТЕМИРОВ**, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директорининг ўринбосари **Юсуф Рустемович МУХЧИ**, "Алоқа vista" қўшма корхонаси директори **Алланазар БЕКНАЗАРОВ**, "Ўзунробита" ҚҚнинг техник директори ўринбосари Вячеслав **Николаевич ЦАРЕВ**лар Агентлигининг "МОХИР АЛОҚАЧИ" фахрий унвони билан, "Ўзбектелеком Интернетшл АЖ" Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонаси Бош директори **Ҳикмат ҲАКИМОВ**, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг Станциялараро алоқа боғламаси бошлиғи **Юрий Коханович САИТОВ**, "Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиалининг Йўлдош алоқа цехи бошлиғи **Мунаввар Абдуҳамидович ҚОДИРОВ**, "Жиззах Телеком" филиалининг Зарбдор телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Жумахал Норбоевна БОЙМУРОДОВА**, "Навоий Телеком" филиали, Конимех телекоммуникациялар боғламасининг 5-тоифали электромонтёри **Ойгулиш Мустафоевна ХУДОЯРОВА**, "Наманган Телеком" филиали, Тўрақўрғон телекоммуникациялар боғламасининг кабел-пайвандловчиси **Ольжон Навоиович МАҚСУДОВ**, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг Янгибод телефон боғламаси бошлиғи **Қўчқор Иброҳимович НОРҶАЕВ**, "Хоразм Телеком" филиали, Хива телекоммуникациялар боғламасининг электромонтёри **Бобожон САЛАЕВ**, "Тошкент почтаси" АЖ Ангрэн филиалининг 3-сон алоқа бўлими бошлиғи **Айсулу Абхановна ГАЛЕЕВА**, "Хоразм почтаси" АЖнинг Гурлан филиали бошлиғи **Амин РАМАТОВ**, "Анджикон почтаси" АЖ директори ўринбосари **Должикон ОМОНОВ**, "Матбуот тарқатуви" АК "Матбуот тарқатиш уюшмаси" АЖ дўкони сотувчиси **Қумри Холдоревна МАНСУРОВА**, "Матбуот тарқатуви" АК ҳайдовчиси **Ёқубжон БОБОКАЛОВ**, Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Ўзбекистон тарихи"

(Давоми 2-бетда.)

### БИРИНЧИ ЧОРАК ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2003 йил, биринчи чорақ якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Йилгиши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори **А.АРИПОВ** олиб борди. Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари **М.Маҳмудов** "Алоқа соҳаси корхоналарининг 2003 йил, биринчи чорақ якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг бориши тўғрисида" маъруза қилиб, жорий йилнинг биринчи чорағида алоқа корхоналарида амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар хусусида маълумот берди.

Ўтган давр мобайнида алоқа ва ахборотлаштириш корхоналари томонидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш борасида маълум ишлар қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорағида барча турдаги алоқа корхоналари томонидан 33,7 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди. Шу жумладан аҳолига кўрсатилган хизматлар 15,4 млрд. сўми ташкил этди. Халқаро ва шаҳарлараро телефон сузлашувлари 33 фоизга, хат-хабарлар 2 фоизга ошди. Аммо 2002 йилнинг биринчи чорағига нисбатан жўнатмалар 44 фоизга, пул жўнатмалари 6 фоизга, телеграммалар 12 фоизга камайди.

Асосий телефон ашаратлари сони 2003 йил, 1 апрелда 1636,3 миғ донани ташкил этди. Уши 7,9 миғ дондан иборат бўлди.

Корхоналарнинг умумий дебиторлик қарзлари 10820,6 млн. сўм бўлиб, йил бошига нисбатан 1493,5 млн. сўмга кўпайди. Алоқа хизматлари бўйича

(Давоми 2-бетда.)





